

ҚУДРАТИМИЗ – БИРЛИҚДА, БИЗ ҒАЛАБА ҚОЗОНАМИЗ!

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг барча ватандошлар, меҳнаткашлар, фахрийлар, аёллар ва ёшларга МУРОЖААТИ

Бугун дунёда кезиб юрган таҳдиқли шарпа – коронавирус инфекцияси кўринмас қўли билан инсонларнинг ширин жонига чанг солиш ҳаракатида бўлмоқда. Унинг яна бир даҳшатли изи жаҳон иқтисодий таназзулга етакламоқда. Халқлар фаровонлиги ва дунё иқтисодий тараққиётга зарба беришда. Кун-кун шовқинга тўлган шаҳарлар бирин-кетин жимгина бўшаб қолмоқда... Бу машум пандемиянинг дунё ва биз кўраётган ҳозирги манзаралари... Ҳали келажакда яна нималар рўй беришини эса ҳеч ким билмайди... Аммо халқимизнинг қалбида бир ишонч борки, бу синволлардан талафотсиз ўтиш умиди – Аллоҳнинг марҳамати, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати, миллат бирдамлигига ишончдир.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясининг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича стратегик режани ўз вақтида ва жуда қисқа фурсатда қабул қилди. Мамлакатда минтақалар ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда **эпидемияга қарши курашининг самарали тизими** яратилди. **Умумий мақсад** аниқланди – қатъият билан касаллик тарқалишининг олдини олиш. Бунинг кучи шундаки, бутун мамлакат ушбу пандемияга қарши курашда ягона режага амал қилиши зарур. Ушбу йўналишдаги асосий жиҳатлар инфекция манбасини назорат қилиш ва унинг тарқалиш йўллари эпишдир.

Миллат лидери профилактика ва назоратнинг **асосий талабларини** аниқ белгилаб берди: эрта аниқлаш, эрта маълумот бериш, эрта карантин ва эрта даволаш, беморлар, мутахассислар ва имкониятлари керакли жойларда жамлаш. Асосий вазифа даволанишга қабул қи-

линган ва даволаниб бўлган беморлар сонини ошириш, шунингдек, касалликни юқтириш кўрсаткичини камайтириш бўлди.

Одамлар ҳаракатини қатъий ва ҳар томонлама назорат қилиш ва бошқариш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бундай стратегик ечимни ишлаб чиқиш учун **Шавкат Мирзиёевнинг улкан сиёсий жасорати** керак эди. Агар ердан қўлини чўзиш керак бўлса, албатта, қўл чўзилиши керак, чунки иккиланш одамларда тартибсизлик ва ваҳима уйғотиши мумкин.

Биз ишончимизки, Ўзбекистон халқи ўз давлатининг қудрати ва руҳини, улкан масъулият ва онглигини намоён этмоқда, бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. **Нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг хавфсизлиги ва соғлигини таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўрилмақда.**

Вирус тарқалишининг олдини олиш учун мамлакатдаги энг йирик жамоатчилик ташкилотининг 5 миллионлик армияси ва маҳаллаларнинг ҳар бир аъзоси карантин нима учун зарурлигини англаб етиши керак. **Бугун бизнинг асосий вазифамиз уйда қолиш эканини ҳеч ким ёдидан чиқармаслиги лозим.**

Бу вирус ҳеч кимни – на бойни, на камбағални, ҳеч бир мамлакатни аяб ўтирмайди. Оиламиз ва дўстларимизни асраб қолиш учун уйда қолишимиз кераклигини тушунамлик ва бу талабларни эътиборсиз қолдириш ХИЕНАТдир.

Давлатимиз раҳбари бизни имкон қадар хушёрликни йўқотишдан эҳтиёт бўлишга ундайди, биз тасодифга ишонмаслигимиз ва ҳаракатларимизни сўсайтирмаслигимиз керак.

Акс ҳолда, бу эришилган барча натижаларни йўқ қилиш даражасидаги оғир оқибатларга олиб келади. Давлат идоралари, барча даражадаги раҳбарлар, касаба уюшма ташкилотлари, мамлакатнинг барча ватанпарвар фуқаролари пандемиянинг олдини олиш ва унга қарши курашish бўйича ишларини давом эттириш учун тишини тишга қўйиб, қўлларини мушт қилиб, ғалабага бўлган ишончларини кучайтиришлари талаб этилади.

Президентимиз тиббиёт ходимлари бу пандемияни енгишда асосий куч эканини алоҳида таъкидламоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан коронавирус инфекциясига қарши курашish учун хорижлик мутахассисларнинг имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига пандемияга қарши курашда жонсавор руҳини сақлаб қолишлари, инсонлар ҳаётини ҳимоя қилиш, шаҳд ва шиддати, кучли иродасини намоён этишлари учун руҳий мадад ва доимий ғамхўрлик кўрсатилиши лозим.

Иқтисодиёт ва жамият – бу узок вақт бир жойда тўхтаб қолиши мумкин бўлмаган ягона тизим. Президент таъкидлагандек, коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олишни кафолатлаш билан бир қаторда, ишлаб чиқаришни қайта тиклаш, одамлар ҳаёти хавфсизлиги ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш мақсадларига эришиш зарур.

Азиз ватандошлар!
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси барча ватандошлар, ишчи-хизматчилар, фахрийлар, аёллар ва ёшларни халқимиз томонидан яқдиллик

билан сайланган муҳтарам Миллатимиз Сардори Шавкат Мирзиёевнинг давлатлари йўлида бирлашишга ва бошимизга тушган жиддий сиёсий теъроқ енгиб ўтиш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга чақиради:

– Бугун Ватанимизнинг ҳар бир фарзанди коронавирусга қарши курашish ва унинг ҳаётимизга салбий таъсирини камайтириш учун шахсий жавобгарлигини ҳис қилиши зарур;

– Ишлаб чиқариш корхоналари, фирма ва компаниялар ишчилари, мард ва ганти фермерларимиз, ижтимоий соҳа вакиллари ўз фаолиятини иқтисодий ва барқарорлиги – Ўзбекистонимиз фаровонлигининг асосини таъминлаш учун бир неча баробар ошириши керак;

– Шифокорларимиз, ҳамшираларимиз, санитарларимиз, қўйингки, барча тиббиёт ходимлари бугун фидойилик, жонфидо қаҳрамонлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Барчамиз уларнинг талаб ва тавсияларига қатъий риоя қилишимиз ва сўзсиз итоат этишимиз шарт;

– Биз азиз фахрийларимизни, кекса юртдошларимизни донолик ва босқинликка, карантин бекор қилинмагунча уйларида қўқмасликка, ёш авлодга интизом намунасини кўрсатишга ва шифокорлар тавсияларига амал қилишга чақирамиз!

– Биз аёлларимиз, оналаримиз ва опа-сингилларимизни – оила ўчоғининг чинакам фаршталарини бирон бир уйга, бирон бир оилга

бало келмаслиги учун барча хавфсизлик қоидаларига риоя қилишга ундаймиз!

– Биз келажак авлод – ўғил ва қизларимизни эҳтиёткорлик ва вақтинчалик унутмаслик, вазиятдан фойдаланиб, билимларини ошириш, давлатимиз саъй-ҳаракати билан тайёрланётган телевизион дарслар ва ўқув дастурларини қолдирмай кўришга чақирамиз!

– Ишончимиз комилки, мамлакат фуқароларининг тинчлиги ва хавфсизлигини кун-у тун ҳимоя қилаётган фидойи ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бундан кейин ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан бажардилар. Биз уларга Ўзбекистоннинг барча минтақаларида барқарорлик ва тартибни сақлашга қаратилган карантин тадбирларини сўзсиз амалга оширишда ҳар томонлама кўмак беришимиз лозим.

– Ушбу оғир даврда ўзининг ғайриижтимоий ҳаракатлари билан мамлакатимиздаги вазиятни издан чиқаришга уринаётган айрим фитанчаларнинг турли миш-миш, фарзас-у тахминларининг олдини олиш учун барчамиз қатъий чоралар кўришимиз талаб этилади.

– Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан Президентимиз атрофида бирлашсак, шаҳ-шубҳасиз, барча қийинчиликларни енгиб ўтамыз!

– Янги Ўзбекистон ҳаётининг бош тамойилини ҳеч қачон унутманг: **«...Ҳеч бир одам, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ғамхўрлигисиз қолмайди!»**

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШНИНГ ПЛЕНУМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.
2020 йил 4 апрель